O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
OHANGARON TUMANI
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТА
ХОКИМ
АХАНГАРАНСКОГО РАЙОН
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТ

QAROR
РЕШЕНИЕ

"11" 10 2018 y. 2147 - son Ohangaron sh

Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

1. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси асосида иш кўриб. Оҳангарон туман ҳокимлиги ижтимоий муҳофазага мухтож. иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилайди. тумандаги корхоналар. ташкилотлар ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 3.9 фоизи миқдорида. бу 208 кишини ташкил этади. шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 0.9 фоиз (45 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар. шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 2.2 фоиз (115 киши):

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар 0.2 фоиз (10 киши):

ногиронлар учун 0.1 фоиз (6 киши):

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0.2 фоиз (12 киши):

жазони ижро этиш муассасаларидан озод килинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари кўлланилишидан озод килинган шахслар учун 0.4 фоиз (20 киши)

2. Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиксиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига. шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак.

3. Ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли карори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага мухтож. иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласинлар.

4. Мухтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича туман ҳокимининг ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

5. Бандликка кўмаклашиш маркази беш кун муддатда ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

Туман ҳокими **Ў.Турсунов**